

Маориф ва маданият богчасининг биринчи дарвозаси мактабдир. Ер юзиндаги маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият богчасина шул дарвозадангина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлига сафар проғроми ясалганда, биринчи моддасини шул «Мактаб очмак» масаласини кўймишлар. Ишларини шул «мактаб»дангина бошлайлар. Мактаб очуб, билфеъл иш бошлагонларидин сўнгра ҳар тарафдин турли-турли нуксонлар ва эҳтиёжлар кўрилади бошламишдир. Мактабни очуб кўя қолгон ила иш битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъованатлар, гайрат ва ҳимматлар лозим эконлиги онглашилмишдир. Бунинг учун энг яхши чора ўларок «Жамият»ни тузмишлар. Яъни расмий бир қонун доирасинда халқдан иона йигиб, очилмиш ва очиладургон мактаб ва дорулулумларнинг нуксон ва эҳтиёжларин енгиллик ила ислох қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар. Бора-бора бу «Жамият» шул қадар тараккий қилмиш ва раҳмат қасб этмишки, маданий миллатларнинг бутун тараккийёти диния ва эҳтиёжийёти миллиялари учун энг ишончли суянчик ва муттақои эттехоз ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экон, ҳозир кўп ерларда мактабни иккинчиликка қолдируб, биринчи босқичлик номи муқаддасасини жамият ўзига олмишдир.

Маориф ва маданият йўлига янги қадам кўя бошлагон Туркистон мусулмонлари ҳам, табиий, шул босқичларни босмакка ва шул дарвозалардан қирмакка мажбурдурлар. Биноаналайх ҳозирда бизим Туркистон тараккийпарварони қўброк шул мактаб ва жамият атрофида айланмақдалар. Лекин бу мактаб жамиятларни очмак учун қандай тадбирлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинур? Қандай устав ва програмлар ила очмак фойдали бўлур? Мана бу ҳусусларда идорадан йўл ва машваратлар сўраб мактуб ёзулар. Бундай мактаблар ниҳоятда қўб бўлгонлиги учун ҳар бирини айрим-айрим жавоб ёзуб ўлтирмак идора учун хийли мушкуллик бўладур. Тараккийи миллат ва маориф учун бундан фойдали ишларга ташаббус қила бошлагон зотларга ташаккур этмак ила баробар сўраган саволларининг жавобини ҳусусий мактуб ила бераолмагонимиз учун афюларини рижа қилурмиз. Ва жамият очмак ҳусусидаги саволларини жавобан ушбу мақолани тақдим қиламиз: ҳозирда Тошқанд, Ўренбург, Қозон, Боқу, Богчасарой қабии мусулмони қўб бўлгон шаҳарларнинг ҳар бирида мусулмон жамиятлари бор. Бир ерда жамият очмоқчи бўлгон қишиларга аввало шул шаҳарлардаги қарида идораларини ёҳуд машҳурроқ қишиларга мактуб ёзуб, жамият қонунномасини, яъни уставини сўрамак лозим. Мактуб олгон зотлар ҳам бундай фойдали илтимосни аҳамиятсиз қолдурмасдан, уставни тоқуб юборадурлар. Мана бу уставлардан бир нечасини қўлга қиритқандан сўнгра беш-олти қиши бир ерда ўтуруб, шул уставларни ўқуб қиқурлар. Машварат қилишуб, шунлардан бирини айнан ёҳуд бир оз ислох ила қабул қилурлар. Ёҳуд бунлардан интиқоб қилуб, янги бир устав ясарлар. Жамиятга муносиб бир исм тоқуб қўюрлар.

Устав сайламоқ ёҳуд интиқоб қилмак қайси моддаларини нима учун қиритилганлигини

ахли мажлисга яхшилаб тушундирмак учун мажлисда замондан ва илми ҳуқуқдан, ҳеч бўлмагонда, жамият ишларидан хабардоррокбир кишининг вужуди (иштироки) лозимдир. Устав ясолуб, тамом бўлгондан сўнгра: «Ушбу аризамиз баробаринда топширилмиш конун доирасинда бир жамият очмакка рухсат берсонгиз экон», мазмунида бир ариза ёздируб, лоакал беш кишидан устав ҳам аризани имзолатиб, военний губернатўрга топширилур. Ушбу ариза ва уставга кўл кўйган кишилар жамиятнинг муассислари деб аталурлар. Ҳукуматнинг рухсат бермоги осонрок бўлсун учун уставнинг кўб кенгайиб кетмаслиги ҳамда муассисларнинг ҳукумат қошида эътиборлирок кишилардан бўлмоклари яхшироқдур. Бундай кишилар топилмагон тақдирда, суд ҳукми ила айбланмогон ва ҳукумат қошида сиёсий жихатдан шубхали саналмагон ҳар бир кишининг муассисликка киришмоги мумкиндр. Ариза берилгондан сўнгра муассисларни тафтиш ва исpravка килуб кўрмак учун аризалари палиса идорасина топширилур. Бу вақтда, эҳтимолки, баъзи билмагон кишилар тарафидан кўрkitувлар ҳам воқеъ ўлур. Жамиятга ижозат сўрамак муҳолифи низом бир иш ўлмаи, халқ учун ҳам, ҳукумат учун ҳам фойдали бир иш бўлгонлиги учун бунда кўркиш ва кўркутишларга сабаб бўладургон ҳеч бир нарсa йўқдур. Биноаналайх ҳеч бир кўркмасдан, чарчамасдан, бу ишнинг орқасидан юрмак лозим.

Агарда бирор сабаб ила биринчи мартабада тасдиқ килмасдан рад килинса, они тузотиб, иккинчи мартаба, иккинчи мартаба рад килинса, учинчи мартаба мурожаат килмакка аввалдан жазм ва қарор беруб кўймак керак. Агарда масъул муассислар орасинда бу ишнинг орқасидан юруга лойик кишилар бўлмаса, ёнларина бир адвокат ёллаб, шунинг воситаси ила юрутулса, яна енгилрок бўлур. Жамиятга рухсат берилгондан сўнгра, аввало, масъуллар йигилишиб, ўз оралариндан бир садрнишин, бир саркотиб ва бир хазиначи сайларлар. Колгонлари идора аъзоси ҳисоб ўлинулар. Бу кундан эътиборан жамиятнинг хакикий хизмати бошланур. Пул топмак, аъзо кўпайтирмак ва конун доирасида жамият воситасила манфаати умумияга хизмат килмак каби улуг ҳиммат, гайрат ва фидокорликларга навбат келур. Фақат иш бу даражага етганда, муассис ёнина бир неча ўзлари каби фидокор миллат ходимлари тўплангон бўлиб, максудларина охиста-охиста етуша бошлайлар. Ишда миллий бир жамиятни вужудга чиқармак учун керак ўлан йўл, тартиб ва тадбирлар шундан иборатдур.

*Кўшеш бадасту по ё ин аз асар навмид нест, Ин зори дом охир мекашад нахжирро* [\[1\]](#).

«Садойи Туркистон» 1914 йил, 14 июн